Туркистон бир, ватан бир

Туркистон

Ёшларнинг ижтимоий-сиёсий газетаси

1994 йил 2 апрель • Шанба • № 24 (14185) ترکستان TURKİSTAN Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 апрель куни Америқо Қўшма Штатлари сенатининг халқаро алоқалари қўмитаси раиси, сенатор Клейборн Пеллни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонга мамлакатимизда янгиланиш жараёнининг бориши, босқичма-босқич амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки натижалари ва келгуси режалар ҳақида сўзлаб берди. Президент Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг муайян бир изга тушаётганини алоҳида қайд этди.

Сенатор Клейборн Пелл самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Президентнинг Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий ислоҳотлар тўғрисидаги фикрларини бағоят қизиқиш ва мамнуният билан тинглаганини айтиб, сафардан асосий мақсади ҳам республикада бозор иқтисодиётига ўтиш ва мулкни ҳусусийлаштириш жараёни билан яқиндан танишиш эканини эътироф этди. Меҳмон Ўзбекистон сафарининг кўнгилли ўтаётганини таъкидлади.

* * *

Шу куни сенатор Клейборн Пелл Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг вазифасини бажарувчи Эркин Халилов билан учрашди.

Суҳбат чоғида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, парламентлараро тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинди. Жаноб Клейборн Пелл Тошкентда Америқо Қўшма Штатларининг бизнес ва маданият марказини ташкил этиш таклифини ўртага ташлади.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Б. Бўгров, парламент қўмиталарининг раислари иштирок этди.

* * *

Сенатор Клейборн Пелл Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов билан ҳам учрашди.

Учрашувларда Америқо Қўшма Штатларининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

СУРАТЛАРДА: қабул пайти.

Суратчи: Р. ШАГАЕВ. (ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИ ЎҒЛИ КАРИМОВГА

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим!

Муҳтарам Президент!

Биз, дин аҳллари мустақиллик муқаддас юртимизнинг ҳар бир фуқаросига, у қайси ирқ, миллат ва тоифага мансублигидан қатъий назар, чинакам эрк берганини, барча табақадаги ватандошларимиз орзу қилган саодатли кунларга эришганимизни рўй-рост кўриб, билиб турибмиз. Мустақиллик шарофатидан жонажон Ўзбекистонимизда равнақ ва рўшнолик дарвозалари кенг очилаётганига ҳам гувоҳмиз. Юртимиздаги иноқлик, ҳамжиҳатлик, уюшқоқлик вазияти барча орзу-ниятларимизнинг ижобатидир.

Илгариги тузумга қиёслаб, биз, диндорларга ҳам ўз имон-эътиқодимизга риоя этишимиз дини Ислом анъаналари ва ақидаларига содиқ қолишимиз учун кенг имкониятлар очилганини равшан кўрмоқдамиз. Буларнинг бари юртимиз тинчлиги, осойишталиги ва равнақини кўзлаб ўтказаётган сиёсатингиз, саъй-ҳаракат ва йўл-йўриқларингиз туфайлидир. Шу каби мўътабар ва олижаноб ишда, биз дин аҳли ҳамиша эл-юрт билан биргамиз. Озод Ватаннинг ҳар бир соф ниятли фуқароси бугун ўз халқи ёнида бўлмоғи, эзгу ишларига қайишмоғи, бахтли келажагини таъминлашга баҳоли-қудрат улуш қўшмоғи ҳам фарз, ҳам қарз. Зеро, Ватанни севмоқ, улуғламоқ, ардоқламоқ каби фазилатларнинг фарзлиги муқаддас ҳадиси шарифда ҳам алоҳида зикр этилган. Халқимиз эса «Бировларга яхшилик қилишни уддалай олмасанг, лоақал ёмонликдан тийилгил» дея ўгит беради.

Минг афсус, орамизда ош берган элига тош отаётган, тузлиғига тупураётган нонкўрлар ҳам бор. Орзу-умидларимиз рўёбга чиқаётган, ҳурматли юртбошимиз ва бошқа раҳбарларимиз халқнинг хоҳиш-иродасига мос иш тутаётган бир вазиятда ҳеч ким ва ҳеч қандай куч онгимизни заҳарламаслиги, ҳалол ошимизга оғу солмаслиги, танлаган йўлимиздан тойдирмаслиги даркор.

Иймонингиз комил бўлсинки, биз кимга қўл бериш лозимлигини яхши биламиз. Омма эл иши учун қайишганларгагина қайишади ва қўл беради. Ўзини ҳар ишга қобилу қодир ҳисобловчи айрим шоир-доҳийлар эса «қадрдон» элига ақалли бир туп кўчат экиб берган ёки йўлдаги нокерак тошни четга олиб қўйганмикан? Йўқ. Бундай «қора» иш уларнинг қўлидан келмайди. Буни биз аллақачон фаҳмлаб етганмиз.

«Эрк» доҳийларидан бири Хоразмда туғилган, аммо фарзандлик бахтидан бенасиб қолган. Тўғри, бир-икки йил муқаддам унинг сохта ваъдаларига лаққа тушганлар ҳам топилди. Комил ишонч билан айтамизки, бугун уларнинг кўпчилиги, ҳатто яқин сафдошлари ҳам эсини йиғиб олган, ҳақиқий ниятини англаб, «доҳий»дан юз ўгирган. Бузғунчининг кирдикорларини ким ҳам «маъқул» деярди.

Сохта ватанпарварларнинг юзидаги ниқоб-ку йиртилди, бироқ сарҳадларимиз ташқарисидан иғво ва бўхтондан иборат ёлғон-яшиқ айюҳаннос «овоз»лари эшитилиб турибди. Эндиги вазифамиз, ватанимизга фарзандлик бурчимиз — барча иғво-маломатлар йўлини собит туриб бекитмоқдан, бузғунчиликка чўзилган қўлларни қайириб ташламоқдан иборат.

Хоразм вилояти дин жамоатчилиги вакиллари:

Урганч шаҳридаги Оҳунбобо жоме масжиди имоми **Муҳаммадсаид Ҳожи Аҳмаджон РАҲМАТИЛЛО ўғли,**

Боғот туманидаги Одиқа эшон бобо жоме масжиди имоми **Юсуф ОЛЛАШУКУРОВ,**

Боғот туманидаги Дарвеш бобо жоме масжиди имоми **Комил ЖУМАНИЁЗОВ,**

Гурлан туманидаги Усмон Саид жоме масжиди имоми **Исоқжон Ҳожи ҲАЛИЛЛА ўғли,**

Қўшкўпир туманидаги ҳазрати Эшон бобо жоме масжиди имоми **Шомурод СУЛТОНОВ,**

Урганч туманидаги Шоҳобиддин хўжа жоме масжиди имоми **Рўзим АБДУРАҲМОНОВ,**

Хазорасп туманидаги Шохпир жоме масжиди имоми **Бурди ХУЖАНИЁЗОВ,**

Хонқа туманидаги Сайид ота жоме масжиди имоми **Шайхмуҳаммад ОЛЛАЁРОВ,**

Хива шаҳридаги Саидниёз Шоликор жоме масжиди имоми **Раҳматулло РАҲМАТУЛЛАЕВ,**

Шовот туманидаги Юсуф Ҳамадоний жоме масжиди мутаваллиси **Қодирберган РОЗЗОҚОВ,**

Шовот туманидаги Замахшарий жоме масжиди имоми **Йўлдош РОЗЗОҚОВ,**

Янгиариқ туманидаги шайх Мухтор Вали жоме масжиди имоми **Қамаржон АБДРИМОВ,**

Янгиариқ туманидаги Ғойиб ота жоме масжиди имоми **Абдулла ЮСУПОВ,**

Янгибозор туманидаги Жума масжиди имоми **Рўзимбой МАТЮСУПОВ.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА СУТНИНГ ХАРИД НАРХЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Омухта ем ва энергия манбалари нархларининг ўсиши муносабати билан ҳамда чорва моллари ва сут сотиш бўйича давлат буюртмасини бажаришдан жамоа ва давлат хўжаликларининг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1994 йил 1 апрелдан бошлаб чорва моллари ва сутнинг чекланган харид нархлари иловага мувофиқ белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги чорва моллари ва сутнинг янги харид нархлари прейскурантларини ишлаб чиқсин ва манфаатдор вазирликлар ва идораларга етказсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 30 ноябрдаги 577-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 31 март.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига илова

ЧОРВА МОЛЛАРИ ВА СУТ ХАРИД НАРХЛАРИНИНГ ЧЕКЛАНГАН МИҚДОРЛАРИ

Бир тоннаси учун минг сўм-купонларда (ўртача)

	Тирик вазнда	Сўйилган вазнда
Қорамол, от ва туялар	2400	5000
Чўчқалар	3000	5000
Қўй ва эчкилар	2000	5000
Асосий ёғлилик даражаси 3,6 фоиз бўлган сут	500	

5 апрель куни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг навбатдаги XXVI қурултойи очилади

Ўзбекистон шуниси билан қудратлики, мамлакат аҳолисининг тенг ярмини ўн саккиз ёшгача бўлган авлод ташкил этади.

Ёшлик, хаёлотга ва эртанги кунга бўлган ишончга, жасоратга бойлиги билан ҳамиша кишиларни ўзига мафтун этиб келган.

Истиқлолни мустаҳкамлаш йўлида заҳмат чекаётган, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, кичик корхоналар тузиб тадбиркорлик ишларини йўлга қўяётган

«ЁШЛИК ФИДОЙИЛИК ФАСЛИДИР»

икки миллиондан ошиқ ёшларимизни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ўз сафларида жипслаштирган.

Бир неча кундан кейин Ёшлар Иттифоқининг навбатдаги қурултойи очилади, унда амалга оширилган ишлар, хато ва камчиликлар таҳлил этилади, галдаги вазифалар белгилаб олинади.

Анжуман арафасида Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Мавлон Умурзоқов билан бир гуруҳ фаолларнинг учрашуви бўлиб ўтди.

Анжуманга ҳозирлик, давр ёшлар зиммасига юклаётган вазифаларнинг улуғлиги, келажак авлодларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш суҳбат мавзусининг асосини ташкил этди.

Учрашувда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Алишер Тешабоев қатнашди.

Умида ҚАЮМОВА.

Ўринбосарлар қаноти

Ҳозир республикамизда ягона болалар ташкилоти фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўни ягона ҳисобласак-да, ташкилотнинг аъзолари олиб бораётган ишлари эътиборга лойиқдир. 1991 йилда бўлиб ўтган кашшофлар слёти болалар ташкилотини янгича йўлдан бошлади ва бундан кейинги фаолиятини уч ўтиш даври деб эълон қилди. Ўтиш даври уч босқичдан иборат эди. Слётда қабул қилинган асосий иш йўналишлари асосида Болалар ва Ўсмирлар уюшмаси ўтиш даврининг икки босқичини босиб ўтди. Бу даврда ташкилот ўз қаддини ростлаб олди ва ўсмир ёшларнинг ҳаётида ўчмас из қолдирган талайгина ишларни амалга оширди.

Аммо ҳали ҳал этилиши, ечилиши шарт бўлган кўпгина масалалар бор. Республикамиз болалар ҳаракати аъзоларининг барчаси Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг қурултойида ўз ечимини топишига умид боғлаб турибди. Матбуотда эълон қилинган Ёшлар Иттифоқи Низоми лойиҳасида кўрсатилгани **Болалар ва ўсмирлар уюшмасининг жамоа асосида республика Ёшлар Иттифоқи таркибига киритилиши уларнинг умидларига қанот боғламоқда. Уюшманинг каттаю, кичик аъзолари бу фикрни тўла маъқуллайдилар. Чунки Ёшлар Иттифоқининг бевосита раҳбарлигида болалар ҳаракатидаги кўпгина ишларни ташкил этиш осонроқ кечади.** Бундан ташқари, узоқ ўтган даврлардан маълумки, ўсмирлар ўз етакчилари, ёшлар ҳаракати аъзолари билан ҳамжиҳатликда жуда кўп фойдали ва амалий ишларни бажаришган. Уюшманинг Ёшлар Иттифоқи таркибига кириши натижасида эса бу ҳамжиҳатлик янада кенг қулоч ёяди, деган умиддамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, қурултой олдидан болалар ҳаракати борасидаги бир қанча фикрларимни ўртага ташламоқчиман. Наманган вилояти Болалар ва ўсмирлар уюшмаси слётдан кейинги давр ичида ўз фаолияти йўналишлари бўйича ҳаракат қилди. Иш бор жойда — тажриба бор. Шундан келиб чиққан ҳолда бундан кейинги болалар ташкилоти фаолиятини янада ривожлантириш учун қайси ишларни амалга ошириш зарурлиги маълум бўлиб қолди. **Энг аввало, уюшма иш олиб борар экан, унинг учун рамзлар ва белгилар жуда зарур. Бу ишни ҳал этишни орқага сурмаслик лозим.**

Уюшманинг аъзолик белгиси ҳақидаги масала ҳам очиқ турибди. Болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказлари ишларини қайта кўриб чиқиш, бу марказларнинг, болалар етакчилари учун ажратилган маблағларни ҳам жиддий ўйлаб кўриш зарур.

Бу йил Болалар ва ўсмирлар уюшмасининг слёти ўтади. Унга қадар барча вилоятлардаги уюшмалар ўз олий кенгашларига йиғиладилар. Юқоридаги таклифлар ва ҳар бир вилоят уюшмалари аъзоларининг юрагида йиғилиб қолган «оғриқлар»ни ана шу слётларда, Ёшлар Иттифоқининг XXVI қурултойида ҳал этилишига ишонамиз. Бу эса мақсади бир бўлган — етук ёшларни тарбиялашга бел боғлаганларнинг, қолаверса, ягона ҳисобланган болалар ташкилоти ишининг янада ривожланишига улкан ҳисса бўлади.

Соҳиба ҲАМРОҚУЛОВА, Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Наманган вилоят қўмитасининг котиби.

НАВБАТДАГИ ВАЗИФА—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ЭТИШ

Илгари хабар қилинганидек, Тошкентда, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника Давлат қўмитасида «Инновация-94» янги техника ва илғор технология кўргазмаси ташкил этилган эди.

1 апрель куни бу ерда кўргазма якунлари муҳокама қилинди. Республика халқ хўжалиги учун нисбатан муҳим ва фойдали ишланмаларни тезроқ ишлаб чиқаришга жорий этиш муаммолари, кўриб чиқилди. Муҳокамада республика вазирликлари, маҳкамалари, корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этишди.

Тўпланганлар олдида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов нутқ сўзлади.

Муҳокамада Бош вазир ўринбосари М. Қорабоев иштирок этди.

Қизилқум бағрида янги корхона

Кенжа Навоий вилоятида яна бир улкан саноат корхонаси барпо этилаяпти. Бу минерал ўғитлар ишлаб чиқаришда асосий хом ашё ҳисобланган фосфорит комбинатидир.

Қизилқум саҳроси ер ости бойликларининг чеки йўқ. Аммо зарур имкониятлар бўлишига қарамасдан фосфорит шу пайтгача Ўзбекистонга Қозоғистондан келтирилар эди. Энди эса нархнаво қиммат. Қолаверса, ҳар ким ўзининг аравасини ўзи тортиши керак. Шу боис ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Қизилқум бағрида янги корхона қурилиши бошланди. Албатта, бундан аввал саҳронинг қайси қисмида фосфорит кони борлиги аниқланди. Менделеев кимёвий элементлар жадвалидан ўрин олган маъданларнинг деярли ҳаммаси бор. Бой заминда мазкур хом ашё ҳам бисёр эканлиги юртимиз раҳбарларини тезкор иш тутишга ундади.

Айни пайтда комбинат қурилиши жадал давом этмоқда. Бу ишга еттита кўзга кўринган ташкилот жалб қилинган. Айниқса, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси ҳамда вилоят йўлсозлар жамоалари ўз зиммаларидаги вазифаларни астойдил бажаришмоқда. Корхона қурилиши учун жами 600 миллиард рубль сарфлашга келишилган эди. Ўтган қисқа фурсат ичида 8 миллиард рубль капитал маблағ ўзлаштирилди. Шу жумладан, қурилиш майдончасига электр қуввати ҳам келтирилди.

Хуллас, 1996 йилда комбинатда биринчи маҳсулот — фосфорит уни чиқарилади. Шунгача бу ерда турар жой бинолари, савдо, маиший маданий хизмат шахобчалари, стадион, касалхона қуриш табиий газ ва тоза ичимлик суви келтириш зарур.

— Ҳозирча бизга маълум бўлган заҳирадаги фосфорит 20 йилга етади,— дейди комбинат қурилиши дирекцияси директори Ойбек Маҳсумов, — Энг муҳими — бунёд этилажак корхонани ишчи кучи билан таъминлаш. Қизилқум яйловларида меҳнат қилаётган чўпон оилалари серфарзанд. Демак, асосий фасфоритчилар ҳам шу жой ёшларидан иборат бўлади.

Х. ТУРДИЕВА.

Шу сонга хабар

АЛЛОҲГАЯМ ЕҚАДИ

Айни шу кунларда Қува, Ўзбекистон туманларида бўлсангиз, боғбонлар баҳорни алоҳида ҳозирлик билан кутиб олишганига шоҳид бўласиз.

Боғ барпо этишга алоҳида меҳр қўйган фарғоналиклар бултур Хоразмда Феруз боғини тиклаб беришган эди, бу йил ҳам улар Наврўз байрамига ибратли туҳфа билан келишди — Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи ёнида Фарғона боғи яратишди.

Бу боғни бино этишга ўтган йили киришилган эди. Ўн беш гектар ер ажратиб олиниб, ишлов берилди, ниҳоллар сараланди. Мана, ниҳоят ниҳоллар экилди ва янги боғ юзага келди. Шуни ҳам айтиш керакки, бу савоб ишда Шредер номидаги боғдорчилик-узумчилик илмий-тадқиқот институтининг Фарғона хўжалиги заҳматкаш ёшларининг улуши каттадир.

ҲАР ТУНИНГ ҚАДР УЛУБОН...

Пойтахтимизнинг С. Раҳимов туманидаги «Хожа Баҳоуддин Нақшбанд» маҳалласида ҳам катта тантана бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов ва бошқа санъаткорлар таниқли кишилар меҳмон бўлдилар. Айниқса, маҳалла қизлари ўртасидаги «Балли қизлар» беллашуви қизиқарли ўтди. Ғолиблар ва иштирокчиларга Ёшлар Иттифоқи туман қўмитасининг қимматбаҳо совғалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз).

ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР

Инсон учун киндик қони тўкилган она заминдан зиёд мўътабар ва муқаддас маскан йўқ. Шундан ҳам уни онага қиёслашлари бежиз эмас. Муҳаммад Алайҳиссалом айтганларидек, «Ватанни севмоқ иймондандир».

Ватанни фақат севишнинг ўзи кифоя қилмаслиги аён. Президентимиз Ислом Каримов айтганидек: «Ягона ва кўп миллатли хонадонимиз — жонажон Ўзбекистонимиз олдида барчамизнинг фарзандлик бурчимиз борлиги маълум. Муқаддас ўзбек диёрида яшовчи ҳар бир киши ўзининг ана шу бурчини қалб қўри, ақл-идроки ва истеъдоди билан адо этиши ҳам фарз, ҳам қарздир».

Йигитлар олдида Ватан масъулияти катта. Бу — Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш бурчи. Ана шу бурчни аъло бажариш, Ватаннинг даҳлсизлигини кўз қорачиғидек асраш, унинг ҳимоясига ҳамиша шай туриш мактабини — армия сафларида хизмат қилиш Ватан ҳимоячиларининг асосий бурчларидан бири.

Ватанимиз ҳимоячилари билан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг ўртасида узвий амалий алоқалар ўрнатилган. Чунки ҳимоячиларнинг асосий қисми шу Иттифоқ аъзоларини ташкил этади. Яқинда Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Алишер Тешабоев Ватан ҳимоячилари хизмат қилаётган бўлинмалардан бирида бўлди. У аскарлар билан бевосита мулоқотда бўлиб, уларнинг хизмати, турмуши билан яқиндан танишди. Ўз фуқаролик бурчини аъло даражада бажариш йўлида собитқадамлик кўрсатаётган аскарларга эсдалик совғалари топширди.

Учрашув сўнгида «Табассум» дастаси хушовоз хонандаси Тўлқин Парпиев раҳбарлигида янги куй ва қўшиқлар билан аскарларнинг кайфиятига кайфият қўшди, уларнинг дилларини хушнуд этди.

СУРАТДА: Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Алишер Тешабоев аскарларга ўзбек миллий чолғу асбобларини тақдим этаётган пайт акс эттирилган.

К. ЎЛМАСОВ олган сурат.

Ёшлар Иттифоқида нима гап?

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати бошқармаси шуни маълум қиладики, республикамиз ҳудудида қор ва ёмғирнинг меъёридан кўп ёғиши натижасида баъзи бир жойларда тупроқ, тош, қор кўчиши, сел кетиши ҳавфи туғилиши муносабати билан тоғ ёнбағирларидаги дала ҳовлилари ва дам олиш масканларига бориш йўллари вақтинча тўсиб қўйилади.

Маълум муддат фуқароларнинг ана шу хатарли ҳисобланган жойларга чиқиши тавсия этилмайди.

ИСТЕЪДОДГА ЭЪТИБОР

Ўқувчи ёшларнинг илмий салоҳиятини ошириш, уларни дунё андозаларига мос билимлар билан қуроллантириш —келажаги буюк давлат қуришнинг муҳим шартларидан биридир. Шу боис, республика раҳбарияти бу масалага жиддий эътибор бермоқда. Хусусан, Президентимизнинг «Ўзбекистон ўқувчи ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони истеъдодли болаларни танлаш, уларнинг илмий интилишларига йўл очиш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ана шу фармонни амалга ошириш бўйича анча ишлар қилинмоқда. Мактабларо фан олимпиадаларини ўтказиш билимли ёшларни рағбатлантириш шулар жумласидандир. Тошкент шаҳар Миробод туманида амалга оширилаётган ишлар, айниқса, диққатга сазовордир.

—Бу йилги фан олимпиадаларини юқори талаблар даражасида ўтказишга ҳаракат— қилдик, — дейди туман халқ таълими бўлими мудираси Б. Жўрақулова. — Ўқувчилар тест асосида уч босқичли танловдан ўтказилди. Туман бўйича 740 нафар ўқувчи ўн тўрт фан бўйича мусобақада иштирок этди. Ўн нафар ўқувчимиз республика олимпиадасида қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Олимпиада якунлари ўқитувчилар кенгашида муҳокама этилди. Қайси фанлар бўйича ўқитишни кучайтириш керак, билим беришнинг қандай самарали усулларидан фойдаланган маъқул — олимпиада натижалари ана шу масалаларга анча ойдинлик киритди.

Йозиги ёшлар

Бугунги кунлар катта синов, бундай чоғда кимнинг нимага қодирлиги, саботи, матонати, сабру қаноати юзага чиқади. Ахир боболаримиз ана шундай онларда асрларга татигулик иморатлар, бебаҳо бойликлар, маънавият дурдоналарини мерос қолдиришган. Биз бу минора-ю мадрасаларни кўриб лол қоламиз, рангларидан кўзимиз қамашади. Хўш, биздан нима қолади?

...Суратлардаги ёшлар, ғайрат камарини белга боғлаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилаётган йигит ва қизлардир. Ёмғирдан сўнгги кўлмакларни кечиб келаётган бу йигитнинг юрагида ишонч уфурмоқда.

Рақсга берилиб тушаётган гўзал қизнинг юзидаги табассум, завқ, ўз ишидан мамнунлик... Эътибор бераяпсизми у бизни ҳам завқлантирмоқда. Унинг санъатидан мамнун бўлганлар беихтиёр чапак чаладилар.

Буюк аждодларимиз даҳосидан яралган асрий бинолар гумбазларидан таралаётган сўнмас ранг нурларидан биз ҳис-ҳаяжон сезамиз. Рассом ҳам ана шундай ҳайратдан туйган завқларини қоғозга расм шаклида битади.

Бугунги ёшлар ҳам ўз ишларини берилиб адо этсалар, бошқаларга завқ улашмоқ нияти билан яшасалар биздан ҳам келажак авлодларга буюк мерослар қолажак.

Тўлқин ИБРОҲИМ.

* * *

Муҳаммад АМИН,
Р. ЖУМАНИЁЗОВ,
Р. ШАҒАЕВлар олган суратлар.





ИШЧАНЛИК БОР ЖОЙДА ТАШАББУС ТУҒИЛАДИ

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ўзига 1500 нафардан зиёд талабани бирлаштирган. У ўз фаолиятини талабаларнинг ўқиш ва илмий-тадқиқот ишларига яқиндан ёрдам бериш, бўш вақтларини кўнгилли ўтказиш, институтда ҳамда ётоқхоналарда йигит-қизларга етарли шароит яратиб бериш сингари ишларни амалга оширишга қаратган.

— Ҳозирги иқтисодий қийин шароитда маблағ билан боғлиқ бўлган барча ишларни кўнгилдагидек бажариш қийин кечмоқда, — дейди Ёшлар Иттифоқи институт қўмитасининг котиби Парда Абдураҳимов. — Аммо шунга қарамай институтимиз раҳбарияти, нахсан ректоримиз академик С. Ибодуллаев доим бизга моддий-маънавий ёрдам кўрсатишга ҳаракат қилмоқда. Бу бизнинг кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшаяпти. Руҳан ўзимизни бардам тутишга кўмак бераяпти.

Қаерда ҳаракат бўлса, шу ерда барака, деб бежиз айтишмаган. Ўтган йили Ёшлар Иттифоқи қўмитаси раҳбарлигида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, «Боғи Эрам» истироҳат боғида икки марта талабаларнинг сайли ўтказилди. Июнь ойида икки ёшнинг никоҳ тўйи бўлди. Ўзбекистон Республикасининг икки йиллик байрами санаси куни барча жойда бўлганидек, бу институтда ҳам катта тантана билан нишонланди. Талабаларга ва профессор-ўқитувчиларга ош тортилди, таниқли эстрада хонандаси Гулбаҳор Сулаймонова иштирокида концерт дастури намойиш қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллиги кунида эса севимли хонанда Насиба Абдуллаева талабалар меҳмони бўлди.

Ёшлар Иттифоқи ташкилоти фаолларининг ташаббуси билан амалга оширилаётган ибратли бундай ишлар оз эмас. Чунки бу ташкилот аъзолари институтнинг билимдон, жонкуяр, жамоат ишларида фаол иштирок этувчи ёш ўқитувчилар ва талабалар ичидан саралаб олинган. Уларнинг фидойилик билан олиб бораётган ишидан институт маъмурияти ҳам, талабалар ҳам мамнун. Бунда Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг котиби ғайратли, ҳар бир қилинадиган ишни пухта ўйлаб, «тарозига солиб» сўнг амалга оширадиган битирувчи курс талабаси Парданинг хизмати катта.

— Жонажон Ўзбекистонимизнинг келажаги — биз ёшлармиз. Эндигина қаддини ростлаётган мустақил мамлакатимизнинг мустаҳкам иқтисодий базасини яратишда ёшлар ҳам амалиётда, ҳам илм олишда юксак орзуларни кўзлаб меҳнат қилишлари зарур, — дейди биз билан суҳбатда П. Абдураҳимов. —. Яқинда бизга «Ёшлик» телестудиясида мурожаат қилиб, ёрдам сўради. Тошкент техника университети ва Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институти қизларининг «Даврага кел, дугонажон!» телетанловини маданият саройимизда ўтказишмоқчи экан. Биз бу ҳақда ректоримизга маълум қилдик. У киши бажонидил розилик бердилар. Баҳс жуда қизиқарли, сермазмун, ранг-баранг ҳамда эсда қоларли руҳда ўтди.

Институтимизга ташриф буюрган талабаларга, профессор-ўқитувчиларга ва ота-оналарга барча қулайликларни муҳайё этиб, уларнинг раҳматига сазовор бўлдик. Улар биздан миннатдор бўлиб қайтишди. Ҳолисона ўтган бу баҳсда Тошкент техника университетининг гўзал ва лобар қизлари ғолиб бўлишди.

— Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг келажак режалари қандай, — деб сўрайман Парда Абдураҳимовдан.

— Режаларимиз жуда кўп, — дейди у очиқ чеҳра билан.— Шу йил институтимиз ташкил топганлигининг 60 йиллиги нишонланади. Бу санани муносиб кутиб олиш учун катта тайёргарлик ишларини олиб бораяпмиз.

Шу кунларда институт талабалар касаба уюшмаси раиси Мамараҳим Жумаев, Талабалар шаҳарчаси ҳокими Рўзимурод Чориев билан биргаликда студентларни моддий-маънавий рағбатлантириш, ётоқхоналарни таъмирлаш, институт ошхоналарида таомларнинг лаззатли бўлишини назорат қилиш борасида ишлар олиб борилаяпти. Бундан ташқари институтнинг факультетлари ўртасида ҳар хил спорт мусобақалари, «Қувноқлар ва топқирлар клуби» баҳслари ўтказилаяпти. Бундан ташқари деярли барча ётоқхоналарда «Тошкент оқшоми», «Туркистон», «Молодежь Узбекистана» каби газеталар ҳам мунтазам олиниб турибди. Бу ишлар Мирзо Улуғбек тумани Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг кўрсатаётган амалий ёрдами шарофатидир.

Бир сўз билан айтганда, институтимиз Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ўзининг амалий ишлари билан талабаларнинг обрў-эътиборини қозониб келмоқда. Шу билан кўпгина ибратли ишларнинг ташаббускори ҳам бўлаяпти. Ишчанлик бор жойда ташаббус туғилади, деб бежиз айтишмаган-да!

Ориф ЖУМАЕВ,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти ўқитувчиси.

Ўзбекистон—Тожикистон: дўстлик ришталари

«Тожикистоннинг бирлиги ва тараққиёти учун!» — яқинда бўлиб ўтган Тожикистон ёшлар ташкилотининг биринчи қурултойида ушбу сўзлар шор қилиб олинган эди. Бунинг бежиз эмаслиги ҳаммамизга тушунарлидир. Қўшни ва қардош республика ёшларининг анжуманига Ўзбекистондан ҳам беш нафар меҳмон қатнашди. Улардан бири ёзувчи Собир Унар. Қуйида ёзувчининг сафар кузатишларини ҳукмингизга ҳавола этяпмиз.

ХАВОТИР

ДУШАНБЕ САФАРИДАН олдин миямда бир нарса чарх урарди: ишқилиб, тинчлик бўлсин-да. Чунки икки йилдан буён ҳар куни қулоғимизга чалинаётган ваҳимали хабарлар осойишта ҳаёт кечираётган юртнинг ҳар бир фуқаросини безовта қилиши табиий-да. Бу безовталик нафақат менда, балки ҳар биримизда, яъни Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси котиби Ғ. Раҳимшиқовда ҳам, шоира С. Шариповада, Ёшлар Иттифоқи Сурхондарё вилояти Қўмитаси биринчи котиби К. Норқобиловда, Ангор тумани ёшлар етакчиси Н. Ражабовда ҳам бор эди. Боз устига Тошкентдан тўғри Душанбега на самолёт, на бирор транспорт қатнамаётгани янада хавотирли эди. Комилжон Норқобилов ва Нурмуҳаммад Ражабовларнинг жонкуярликлари жонимизга оро кирди. Термиздан то Тожикистон пойтахтигача бўлган қарийб тўрт юз чақиримлик йўлни улар топган машинада босиб ўтадиган бўлдик. Ёшлар Иттифоқи Сурхондарё вилоят Қўмитаси фаолларининг қисқа йиғилишидан сўнг сафарга отландик. Бир-бир ёшлик шиддати ҳар қандай хавотирни босиб кетади. Чегарагача латифаю баҳру-байт айтишиб етиб бордик.

ЧЕГАРА

ЧЕГАРАДА БИЗНИ соат бешда кутиб олишлари керак эди. Айтилган вақтдан кечикиб етиб борибмиз. Шу туфайли кутиб олувчилар билан учраша олмадик. Ён-атрофингда автомат ушлаб турган аскарларни кўриб, юрагинг орқага тортади.

Манзилга етганимизда қош қорая бошлаган эди. У ерда ҳам қидирган одамларимизни топа олмадик. Шаҳар ижроия қўмитасидаги бир масъул киши ўз машинасидан 20 литр бензин қуйиб берди. Яна йўлга тушдик. Атрофга қоронғулик чўкди. Душанбега кирар чоғимизда тўсатдан яна бир қанча аскарлар йўл бўйида дарҳол тўхташимизни кўрсатишди. Қоронғуда уларни тезда пайқаёлмай тўрт-беш қадам ўтиб кетибмиз. Бир аскар бирдан автоматини шарақлатди, дарҳол тўхтаб, қўлимизни кўксимизга қўйиб унинг ёнига бордик. Шунгача ҳам ҳар қадамда тўхтайверириб, ҳужжат кўрсатавериш... Шароит интизомни тақозо этади.

Юлдузли осмон остида Душанбе йилтиллаб мавжланади. Аммо шаҳарнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтган марказий кўча тимтирс, қоронғу. Кўчада аҳён-аҳёнда учраётган одамлардан манзилимизни суриштириб эўрга топдик.

ЁШ ФИЗИКЛАР БЕЛЛАШДИ

Урганч Давлат университетида ёш физиклар республика олимпиадаси бўлди. Унда Қорақалпоғистон ва барча вилоятлардан келган иқтидорли ёшлар тўрт кун мобайнида ўз билимини синаб кўрди.

Беллашувда ҳоразмлик ёш физиклар команда ҳисобида ғолиб чиқди, Бухоро ва Андижон вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳри ёшлари ҳам яхши натижага эришди.

Олимпиада ғолиблари фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Улар олий ўқув юртларининг тегишли факультетларига имтиёзли равишда қабул қилинади.

БИРИМИЗ—КЎЗ, БИРИМИЗ—КИПРИК

ЁШЛАР ИТТИФОҚИ

ТОЖИКИСТОН ЁШЛАР Иттифоқи Марказий Қўмитаси аввалги Олий Кенгаш биносининг 4-қаватида жойлашган экан. Ёшлар етакчиси Ибодулло Раҳимов бизни худди эски қадрдонлардай қучоғини очиб кутиб олди. Кеч соат 8 дан ўтганди. «Октябрский» меҳмонхонасидан қўним топдик. Кечаси ташқарида ёшлар фаоллари билан суҳбатлашиб турсак, пақиллаб ўқ овози эшитилди. Гарчи ҳамма эшитиб турса-да, эшитмаганга олди. Кўп ўтмай яна ўша ёқдан ўқ товуши эшитдик. Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби Асрор исмли йигит: «Чўчиманглар, кўникиш керак бунақаларга», — деб қўйди бамайлихотир. «Кимни отган бўлиши мумкин?» — деб сўрадик саросимага тушиб. «Бу — шунчаки...», — деди яна у қўл силтаб. Биз ўзимиз сезмаган ҳолда бир-биримизга яқинроқ келиб олдик. Энди овозларимиз ҳам шивирлашга мойил эди...

ОСОЙИШТАЛИК

ЧЕТДАН КЕЛГАН делегатларнинг аксарияти ўзимиз, Россиядан келган Ёшлар Уюшмаси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Вячеслав Лашевский ҳам биз билан бирга эди.

Лашевский эрталаб чегарага учиб, у ердаги қондошлари билан кўришиб келишга чоғланди. Биз бир гуруҳ бўлиб Турзунзода шаҳрига жўнадик. Алюмин заводи билан танишадиган бўлдик. Йўл-йўлакай орттирган танишларимизнинг кўкракларига Ўзбекистон байроғи, тинчлик кабутари мисол ишланган Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқининг нишонларини тақдик.

АЛЮМИН ЗАВОДИ

БУ ЗАВОД ҲАҚИДА бизнинг матбуотда жуда кўп ёзилди. Ҳатто ҳукумат даражасида гаплар ҳам бўлиб ўтди...

Саноат корхонаси 240 гектар жойни эгаллаган бўлиб, жами ишчилар сони 13 минг 300 дан зиёд экан. Жуда катта ҳажмда иш бажарилиши шундоқ кўз ўнгимизда кечаётган жараёндан маълум бўлади.

Корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Искандар деган йигит цехларни бир-бир айлантириб, таништираркан: «Сиз — ўзбекистонликлар заводни зиён келтиряпти бизга деб кўп гапиряпсизлар. Жуда унчалик эмас. Энди унақа гапни қўйинглар, Чунки бу завод бизнинг суянган тоғимиз», — деди. Делегациямиз бошлиғи Ғофуржон ака жилла бўлмаса заҳарларни тутиб қолувчи тозалагич мосламалар топишни таклиф қилди.

Ёш-яланг тағиқ биргалашиб тушликка чоғланамиз. Турсунзода ёшларнинг раҳбари Ҳалимжон деган хушрўйгина йигит сув бўйида жойлашган шинам тамаддихонага бошлайди. Бир муддат ёшлик завқи ҳаммани домига тортади. Кимдир урушда ўз қўлида жон берган фаол дўстини хотирлайди. Яна кимдир ўқ ёмғири остида тоғдан пиёда ошиб, Туркманистон ёшларининг қурултойига делегат бўлиб борганини эслаб, кўзларига ёш қуйилади... Бизни қайта-қайта алқайди. Ёшлик ғайрати, миллат, Ватан ғурури ҳар биринг кўксида қайнабтошиб ётган, кулфату ўзаро қирғинлардан безиллаган, тинчликка, дўстликка, осойишта меҳнатга интизор ёшлар...

ЭРТАГА АНЖУМАН

ЭРТАГА КЕЧҚУРУН яъни 17 март куни ўтадиган анжуман олдидан дам олиш концерти бериладиган бўлди. Машҳур «Зебо», «Жаҳон аро» жамоалари, яккахон хонандалар чиқишлари жуда завқли эди. Айниқса, ора-орада ўзбекча қўшиқлар жаранглаб қолиши бизни тўлқинлантирарди. Қурултой олдидан фаоллар ҳаяжонда эдилар.

ҚУРУЛТОЙ

ЭРТАСИ КУНИ опера театри биноси вакилларга тўлди. Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси И. Раҳмонов ҳам шу ерда эди. Вазирликлардан вакиллар, фахрийлар ҳам қатнашаётганди.

И. Раҳимов ўтган давр мобайнида қилинган ишлар юзасидан ҳисобот берди. Ораларида бугун қатнашишга тақдир муяссар қилмаган, жангларда қурбон бўлган энг фаол 15 нафар жонфидо хотирасига бир дақиқа сукут сақлашни сўради.

Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси Имомали Раҳмонов нутқ сўзлаб, ёшларни ҳамжиҳатликка чақирди.

Қурултой ўз ишини тамомлади. Тушдан сўнг пленум бўлиши керак. Тушликка чиқаётганимизда Ирина исмли қиз келиб бизларни раиснинг ўзи тушликка таклиф қилаётганини айтди.

Тушлик чоғи раис: «Афғон уруши пайтида асир тушган йигитларни олиб келиш учун ўзим борган эдим, — деди.— Самолётда келаяпмиз. Неча йиллардан бери Ватанини қўмсаб юрган асирлар бир маҳал: «Ана, Ватанимизга келдик!» — дея шодлана кетишди. Ойнакдан бундоқ пастга қарасам Амударё оқиб ётибди. Нарёғи — Термиз... Ана шундай, биродарлар, бизнинг ўлик-тиригимиз ҳамиша бирга. Бир-биримизникига борсак-да, ўзимизнинг Ватанимизда юргандек ҳис қиламиз»

Тушдан сўнг пленум бўлди. Бизнинг вакилбошимиз Ғ. Раҳимшиқов уларга Ўзбекистон байроғи тасвири тушурилган гиламча ҳадя этди. В. Лашевский самовар совға қилди. Зал тўлқинланди. Қарсакларнинг кети узилмади. Ибодулло Раҳимов тағин Тожикистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди.

Ибодулло Раҳимовда раҳбарлик қобилияти яққол сезилиб турарди: керак бўлганда ҳазил-мутойиба қилади, керагида тўғри сўзини ўтказади ҳам.

АНЖУМАНДАН СЎНГ

ҲАММА ИБОДУЛЛОНИ табриклади. Унинг елкасидан юк ағдарилгандай эди. Энди меҳмонлар билан бироз чаққалашиб ўтириши мумкин. Эртаси куни Ўзбекистон ёшлар ташкилотига аталган кичик совғалари борлигини айтиб, идорасига бошлаб борди.

Идорадан чиқар маҳал бир муддат суҳбатлашиб турдик. «Мана, эътибор беринглар, — деди у. — Мухолифият анави тўққиз қаватли уйнинг тепа айвонидан ўққа тутишганди. Бундоқ разм солиб қарасак, бинонинг ҳамма ёғи ўқ излари билан қопланган экан.

Ибодуллонинг ўзи Душанбедан чиққунча ҳамроҳлик қилди. Биз билан асли Андижондан Тожикистон учун шунча йўқотиш оғирлик қилмайдими? Йўлда Абдуқаҳҳор ака ўзи яшайдиган Ленин тумани (бу ерда номлар ҳали ўзгартирилмаган) раҳбарлари биз билан кўришмоқчи эканини айтди. «Ленинград» давлат хўжалиги директори Назрулло Каримов билан суҳбатда бўлдик. Мен бу одамни танидим. Машҳур курашчи, жаҳон биринчилигининг совриндори, собиқ Иттифоқнинг бир неча бор чемпиони.

Биз кимлар билан қадрдонлашган бўлсак, ҳаммасини Тошкентга таклиф қилдик. «Қурултойларингга камида ўн киши бўлиб борамиз», — деди Ибодулло.

Қайтаётиб йўл бўйи ўйлардим: буларнинг ҳаммаси бугунгача жангчи бўлган ёшлардир. Ҳақиқий жангчилар! Ахир, уларнинг ўзлари бу ҳақда хоҳлаб-хоҳламай сўзлаб беришди. Аммо жанг қилавериб толиқишган. Шу боис ҳам бизга ҳавас қилишади. Президентимиз ҳақида оғизларидан бол томиб сўзлашади. Яйдоқ далалари ҳали шудгор қилинмаган, техникага ёқилғи йўқ. Шаҳарда деярли фақат троллейбуслар қатнайди, автобусларга бензин етишмайди. Одамлар нарх-наводан, нақд пулнинг камлигидан нолишади. Осойишталикка нима етсин! Унинг самарасини ҳар қадамда кўриб турибмиз-ку!

Ҳа, уларнинг мусибатини яқин қариндошимизникидай қабул қилганмиз. Эту тирноқ эканимизни асло унутмаймиз. Навоий бобомиз ўз замонида ўзбегу тожикни кўз ила киприкка менгзаган эди. Зеро, кўзу киприк бир-биридан айро яшаши мумкинми?

Собир УНАР.

КЎНГИЛДАГИ ТАШКИЛОТ

«Куч— бирликда», «Бирлашган —ўзар». Халқимизда ҳамжиҳат бўлишга даъват этувчи бундай ҳикматли гаплар кўп. Мен бу гапларни бежиз айтаётганим йўқ. Ўтган йили декабрь ойи охирида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Ширин шаҳри қўмитасини таъсис этишга бағишланган конференцияси бўлиб ўтган эди. Бу кун фақат Ширин шаҳар ёшлари учунгина эмас, балки биз ўқувчилар учун ҳам катта байрам бўлди.

Ёшлар Иттифоқи Ширин шаҳар қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланган Жабборкул Тошқулов шу кунларда ўз фаолиятини кенг қулоч ёйдирмоқда. Жумладан, унинг мактабларда бўлиши ўқувчиларнинг руҳини кўтармоқда. Мактабимизда ҳам Ёшлар Иттифоқи ташкилоти ўз фаолиятини жонлантириб, ўқувчиларни ўз атрофига жипслаштираяпти.

М. ЭШОНОВА,
Ширин шаҳридаги 3-мактаб ўқувчиси.

ИШТИЁҚ БЎЛСА

Беш яшар бола артист бўлиши мумкинми? Истеъдод ва иштиёқ бўлса — мумкин экан. Андижон шаҳар Аббос Бакиров номидаги ёшлар театрида болалар студияси очилди. Студияда беш ёшдан ўн етти ёшгача бўлган иқтидорли болалар шуғулланишмоқда. Шунингдек, бу даргоҳда ёш актёрлар курси ҳам очилган. Студия тарбияланувчилари ва курсни битирганлар театр сафини тўлдириб, яшартириб туради.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги комиссияси театрнинг ижодий имкониятлари ва интилишларини юқори баҳолади. Натижада йил бошида жамоага давлат театри мақоми берилди. Вилоятда «аббосбакировчилар» деб ном қозонган театр жамоаси бу эътибордан илҳомланиб, янги куч билан ишга киришди.

Умид билан суқулган
таёқ
Бир кун берар
мева ва япроқ.
ҲЁТЕ

Албатта, Бухоро шарифни кўришни орзу қилмаган киши бўлмаса керак. Унинг қадимий обидалари, усталарининг ақл бовар қилмас даражадаги ўймакорлик ва ганчкорлик санъатига тақсинлар айтамиз. Аммо бугунги кунда Бухоро ўзининг тарихи билан эмас, балки ҳозирги кун билан ҳам эътиборни тортаётир.

Яшараётган дунё

УМИД НИҲОЛЛАРИ

- БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧЛАР
- ЛИЦЕЙДА ЖОНКУЯР ОЛИМЛАР
- НИЯТИМ—ҚИШИЛАР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ ҚИЛИШ
- ПРЕЗИДЕНТНИНГ ШАХСИЙ СОВҒАСИ

Мустақиллик шарофати билан диёримизда янги турдаги ўқув юртлари, шу жумладан лицейлар фаолият кўрсата бошлади. Биз яқинда ана шундай ўқув даргоҳларидан бири билан танишдик. Агар йўлингиз тушиб, Бухорога борсангиз, албатта, Жондор районидаги 127-лицейга кириб ўтинг. У замонавий услубда қурилган бўлиб, асосан кимё ва биология фанларига ихтисослашган. Ҳозирги даврда лицейда 201 ўқувчи билим оляпти. Ўтган йили лицей ўзининг биринчи 86 нафар қалдирғочларини учирма қилди. Шулардан 74 нафари турли техникум, институт ва университетларга тест орқали ўқишга кириб талаба бўлдилар. Бу, албатта, янги ташкил этилган лицей учун жуда катта муваффақиятдир. Вилоят халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Сангча Баҳронова, Бухоро тиббиёт институтининг ректори, профессор Акром Мўминов ва туман ҳокимлигининг бевосита ёрдамлари туфайли шундай натижага эришилди. Биз шу лицейнинг директори, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси, олий тоифадаги ўқитувчи Иброҳим ака ШОДИЕВни суҳбатга тортдик:

— Бизнинг лицейда ўқитувчилар билан бир қаторда Бухоро тиббиёт институти доцентлари: Чори Хайруллаев, Музаффар Соттиқулов ва Илҳом Маликовларнинг дарс беришлари фанларни чуқур ўзлаштиришда болаларга ёрдам бераяпти, биз улардан миннатдормиз, — дея гап бошлади Иброҳим ака. — Бизнинг вазифамиз болаларни ҳар томонлама етук мутахассис қилиб чиқариш. Ҳа, ҳа, мутахассис етиштириш. Ана шундагина улар ўзлари истаган институт ёки университетда бемалол, қийналмасдан ўқишларини давом эттиришлари мумкин. Худога шукр, ҳозирча биринчи қалдирғочлар юзимизни ерга қаратишмаяпти, улар ўқиётган илм даргоҳларидан бизнинг лицей номига ташаккурномалар келди. Бундан бизнинг бошимиз осмонга етди. Биз ҳам ўз навбатида болаларнинг ота-оналарига мана шундай фарзандни тарбиялаб, вояга етказгани учун таъзим қиламиз. Минг раҳмат, доимо соғ бўлишсин.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Иброҳим аканинг гапида жон бор. Болани яхши ўқитиш, яхши тарбиялаш ота-она зиммасига катта масъулият юклайди. Президентимиз томонидан таъсис этилган «Соғлом авлод учун» ордени, менинг назаримда, биринчи навбатда иқтидорли болаларнинг ота-оналарига топширилса арзийди.

Лицейда иқтидорли болаларни истаганча топишингиз мумкин. Биз уларнинг баъзиларини суҳбатга тортдик.

Баҳодир ЖУМАЕВ: — Мен икки йилдан бери Республика олимпиадасида биология фанидан ғолиб келаяпман. Худо хоҳласа, бу йил ҳам совринли ўринлардан бирини эгаллаш ниятидаман. Кейин Бухоро тиббиёт институтига ўқишга кирсам, дейман, бу — менинг болаликдаги орзуим. Чунки онам ҳам тиббиёт ҳамшираси бўлиб ишлаган.

Бизнинг Бухорода тез-тез учрайдиган касалликлардан бири, бўғинларда туз тўпланиши. Бундан ташқари, Сариосиёга яқин жойлашган кимё заводи, Навоий азот ишлаб чиқариш бирлашмаларидан заҳарли чиқиндилар ташқарига чиқарилади. Шунинг оқибатида бизнинг ҳудудимизда асосан аллергик касалликлар кўпайяпти. Республикамизда оналар ва болалар ўлими ҳам учраб туради. Бу асосан юрак ва асаб хасталигидан келиб чиқмоқда. Шуларни даволаш ниятим бор. Бунинг учун фалакиёт, кимё, биология, физика, адабиёт... бари-барисини билишим керак. Лицей эса бу борада менга ёрдам беради.

Убайдулло НУРОВ: —Мен инглиз тилига қизиқаман. Шунинг учун бу тилни пухта ўрганишга ҳаракат қилаяпман. 1993 йили республика бўйича ўтказилган иқтидорли ўқувчилар кўрик-танловида иштирок этиб, биринчи ўринни эгалладим. Ҳозир «Президент стипендияси»ни олаяпман. Ўтган биринчи сентябрь менинг хотирамда бир умр сақланиб қолди. Чунки шу куни Президентимизнинг шахсий совғаларини, яъни менга атаб юборган соатларини олдим. Мен ва мен каби иқтидорли болаларни рағбатлантириб турганликлари учун Ислом Каримовга катта раҳмат.

Ҳа, лицейда бундай иқтидорли болалар жуда кўп. Улар дарсдан бўш вақтларида спорт билан машғул бўладилар. Бу ерда тўрт маҳал иссиқ овқат берилади, ҳафтада бир марта кино намойиш этилади. Бундан ташқари, турли хил викторина, мулоқот, мушоира ва фан кечалари мунтазам ўтказилади. Биз Иброҳим ака раҳбарлик қилаётган лицейдан қайтар эканмиз, Ўзбекистонимизнинг келажаги ҳисобланмиш ёш ўғил-қизларни тарбиялаш, вояга етказишларида уларга сабр-тоқат ва омадлар тиладик. Зеро, шоир айтганидек умид ниҳоллари бир кун мева бериши тайин.

Беҳзод ХУЖАЗОДА.



СУРАТЛАРДА: лицей ҳаётидан лавҳалар.

Меҳр-мурувватли бўлайлик

САХОВАТИНГИЗГА МУҲТОЖМИЗ

Биз ушбу мақолани Ўзбекистон Республикаси болалар ортопедия марказида даволаниб туриб ёзяпмиз. Бу ерда даволанаётганлар серқуёш жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан, ҳамдўстликдаги қўшни мамлакатлардан келган болалардир. Бизнинг даволанишимиз учун ота-оналаримиз марказ ҳисобига бир неча минг пул тўлашган. Лекин бу пул ҳозирги мураккаб жарроҳлик ишлари, унга кетадиган сарф-ҳаражатлар, дори-дармонлар учун жуда камлик қилади.

Истиқлолга эришган ватанимиз болаларга бўлган ғамхўрликни янада кучайтирди. Жумладан, биз даволанаётган шифохона ҳам Ўзбекистон ортопедия ва травматология илмий-текшириш институтидан ажратилиб, болалар ортопедия маркази деб аталди. Бу ерга шифо излаб даволанишга келганлар бир неча ойлаб, ҳатто йиллаб даволанадилар. Чунки суяк билан боғлиқ касаллик муолажаси анча узоқ давом этади.

Баъзиларимиз мактабларимиздаги ўртоқларимиздан узоқ муддат ажралиб, ўқишда улардан орқада қолишимизга тўғри келади. Бунинг боиси — янги шифохонада кўплаб етишмовчиликлар мавжуд. Тўлақонли ва тез муддатларда даволаниш учун ишбилармон ота-оналаримизнинг моддий ёрдамлари зарур.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов болалар Ўзбекистоннинг келажаги эканлиги, уларга ғамхўрликни кучайтириш зарурлигини бежиз таъкидламайди. Ҳақиқатдан ҳам, ортопедия марказидаги кўпчилик болалар турли соҳаларга меҳр қўйишган. Келажакда улар шу касбларнинг моҳир эгалари бўлиб етишишлари ҳозирдан кўриниб турибди. Масалан: самарқандлик Салим Бобоев рассом, ангренлик Фирдавс Нуриддинов қўшиқчи ва бастакор. Ушбу сатрлар муаллифлари Замира Исоқова ва Нигора Қорабоева журналистикага меҳр қўйганмиз. Ҳозирги кунда шифохонамизнинг деворий газетасини мунтазам чиқариб келяпмиз.

Азиз газетхонлар ҳукмига ушбу мақолани шунинг учун ҳам ҳавола этмоқдамизки, биз даволанаётган шифохона мажбурий мослаштирилган биноларга жойлашган. Бунинг устига даволашга ажратилаётган маблағ етарли эмас. Ғарб давлатларидан олинаётган даволаш жиҳозлари жуда оз.

Биз истибдод йилларидаги экологик бузилиш натижасида дардга чалинганмиз. Ҳаммамиз суяк касалликлари билан оғриганмиз. Шифохонадан даво топиб кетганлар ҳам, бу ерда даволанаётганлар ҳам талайгина. Касалхона 180 ўринга мўлжалланган. Бошқа тенгдошларимиз сингари юғуриб-сакраб ўйнагимиз келади. Болалик ниятларимиз рўёбга чиқиши сиз — катталарга боғлиқ. Ҳозир «Болалар жамғармаси», «Наврўз», «Маҳалла жамғармаси», акциядорлик уюшмалари, ширкатлар, фермер хўжаликлари ва бошқа кўплаб уюшмалар жумҳуриятимизда талайгина. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга қийналаётган шифохонамизга маблағларининг кичик бир улуши билан ёрдам бериш истагида бўлган саховатли одамлардан ҳам ёрдам кутамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга оталарча ғамхўрлик кўрсатаётган Республика раҳбариятига миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Ўзбекистон Республикаси Болалар ортопедия маркази даволанувчилари номидан:

Замира ИСҲОҚОВА,
Нигора ҚОРАБОЕВА.

Эшитдингизми, ўқидингизми?

● ВЬЕТНАМ ва Хитой мутахассислари икки мамлакат ўртасидаги денгиз чегараси масаласини муҳокама қилдилар. Вьетнам оммавий ахборот воситаларининг хабарига кўра, музокаралар дўстона руҳда ўтган. Бироқ ҳали узил-кесил бир қарорга келингани йўқ. Бу масала 1979 йилда кўтарилган ва ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашувига сабаб бўлган эди.

● СОМАЛИ пойтахтининг минглаб аҳолиси яқинда 15 та ҳарбий-сиёсий гуруҳ раҳбари томонидан имзоланган ҳужжатни қўллаб-қувватловчи намойишлар ўтказмоқда. Имзоланган ҳужжат ўзаро жангларни тўхтатиш ва миллий ярашув сиёсати ҳақида эди.

Гуруҳ раҳбарлари май ойининг ўртасида конференция чақириш, унда мамлакат президенти, вице-президент ва ҳукумат раҳбарини сайлаш ҳақидаги ҳужжатни ҳам имзоладилар. Ҳозирча бу ҳужжатларга амал қилиняпти. Икки ҳафтадан буён мамлакат ҳудудида бирорта ҳам ўқ отилгани йўқ, деб хабар беради РАТА—ТАСС ахборот маҳкамаси.

● ЖАНУБИЙ КОРЕЯ 1991 йилдаёқ ўз ядро қуролига эга бўлиш ҳаракатини бошлаган эди. Бу ҳақда мамлакат либерал демократик партиясининг раҳбари Со Су Чон парламентда баёнот берди. Бу ҳаракат Ро Дэ У президентлик даврида бошланган эди. Америка Қўшма Штатлари эса Тэдок шаҳридаги ядро энергияси институтини доимий назоратда сақлаб турди. Чунки АҚШ Жанубий Корея ўз ядро воситаларига эга бўлишига қарши эди, деб хабар беради Сеул оммавий ахборот воситалари.

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси юртимиздаги трикотаж буюмлари ишлаб чиқарувчи энг йирик бирлашмалардан бири. Бирлашмада асосан ёшлар меҳнат қилишади.

СУРАТДА: илғор ишчилардан Сурайё Акбарова.

К. ЎЛМАСОВ олган сурат.

ФУТБОЛ БАЙРАМИ АРАФАСИДА

Тошкент улкан футбол байрами арафасида турибди, 11 апрелдан 19 апрелга қадар бу ерда Марказий Осиёнинг беш республикаси — Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон миллий терма командалари иштирокида халқаро турнир бўлиб ўтади. Мусобақа Футбол федерациялари халқаро уюшмаси (ФИФА) ҳамда Осиё Футбол конфедерацияси байроғи остида ўтказилади.

Республика Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев раислигидаги ташкилот қўмитасининг йиғилишида шу мусобақага тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Республика вазирликлари ва идоралари раҳбарларининг ўйинлар ўтадиган спорт базаларининг аҳволи, бу халқаро турнирнинг муваффақиятли ўтиши учун жалб этилган барча хизматларнинг иши ҳақидаги ахборотлари тингланди.

Футбол бўйича биринчи Тошкент халқаро турнирининг тантанали очилиши ва ёпилиш маросими марказий «Пахтакор» стадионида бўлади.

* * *

Ўзбекистон Футбол федерациясида футбол бўйича биринчи Тошкент халқаро турнирига бағишланган журналистлар билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда командалар устозлари, республика Футбол федерацияси раҳбарлари, ҳакамлар уюшмаси вакиллари сўзга чиқиб, журналистларнинг бўлажак футбол байрами ҳамда Ўзбекистон футболчиларининг бошқа халқаро мусобақалардаги иштироки хусусида берган саволларига жавоб бердилар.

(ЎзА мухбири).

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ХИЗМАТИДА

Турк Стандартлар институти (ТСИ)нинг Марказий Осиёдаги фаолияти жамоатчилик томонидан маъқулланганги маълум бўлди. Қадимги бобо юртимиз — Ўзбекистоннинг Тошкентда ТСИнинг Ўзбекистон ва бошқа Марказий Осиё ваколатхоналари ўз фаолиятини давом эттираётир. Ўзбекистондаги фаолият ҳақида газетамизда ахборот берган ТСИнинг қардош мамлакатдаги вакили, институт мутахассиси, машиналар муҳандиси Юсуф Йилмаз: «1991 йил давомида ТСИ раиси Йилмаз Арийўрулнинг ғайрати ва ташаббуси билан Озарбайжон, Ғуржистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Шимолий Кипр Турк Жумҳурияти, Мўғулистон, Молдова, Ўзбекистон, Татаристон ва Туркия орасида Минтақаларо стандарт бирлиги (МСБ) ташкил қилинган эди. 1992 йилда МСБга Албания, Бошқирдистон, Доғистон, Қабарда — Болқор, Тожикистон ва Туркманистон ҳам аъзо бўлдилар. Шундай қилиб, МСБга аъзо мамлакатлар сони ўн олтитага етди. МСБнинг ғояси стандартлик, меттеологик ва ўлчов муштараклиги, ҳужжатлаштириш, тарбия, ИСО — 9000 туркумли стандартларни мувофиқлаштириш ҳамда атроф-муҳитни қўриқлашда ҳамкорлик қилиш, аъзо мамлакатлараро муштарак мезонлар тайёрлашдир», деди.

Турк Стандартлар институти, хусусан, аъзо мамлакатлар Ҳалқаро Стандартлар Ташкилоти (ХСТ)га кириши учун ёрдам беришига диққатни жалб этган Юсуф Йилмаз 1993 йили Ўзбекистон ва Туркманистон мазкур ташкилотга аъзо бўлганлигини алоҳида қайд этди. Вакил: «МСБ аъзоси бўлмиш мамлакатлардан жуда кўп мутахассислар Туркияда турк тилини ўрганиб, стандартлаш борасида таълим олмоқдалар. Институтимиз Марказий Осиёда тузаётган ташкилотлари Туркия билан туркий давлатлар орасидаги тижорат ва сармоя қўйишни ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшиш ниятидадир. Бу борада Ўзбекистон стандартлаш ташкилоти — Ўздавстандарт Анқарада ўз вакиллигини очишни мўлжаллаяпти. МСБнинг Тўртинчи Умумий қурултойи шу йил апрел ойи ичида Тошкентда бўлишини ҳам эслатиб ўтишни истардим», деб гапини тугатди.

Ҳидоят ТИКТОШ.

«ХУШЧАҚЧАҚ ТАЁҚЧАЛАР»

Гулистондаги болалар мусиқий дастаси ташкил этилганига атиги уч йил бўлди. Машқлар ҳам 9—12 ёш атрофида. Аммо, «Хушчаққчақ таёқчалар» деб аталган бу даста репертуаридан мусиқа билим юртлари танловига киритилган асарлар ўрин олган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу асарлар юксак савияда ижро этилмоқда.

Гулистондаги санъат мактаби ўқитувчиси Валерий Бекмирзаев ташкил этган ва шу мактаб ўқувчиларидан иборат бўлган бу даста ўтган уч йил мобайнида бутун вилоятнинг фахрига айланди. Ҳозир мураббий раҳбар дастадаги ижрочилик савиясини профессионал даражага кўтариш устида ишлаяпти. Ўшанда даста ўз фаолияти учун ўзи маблағ ишлаб топа боплайди. Келажакда эса мактабнинг энг ёш ўқувчиларидан иборат яна бир даста тузиш мўлжалланган.

БАШОРАТЧИЛАР ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

МУНАЖЖИМЛАР, БАШОРАТЧИЛАР, РАММОЛЛАР, ФУТУРОЛОГЛАР, РУҲИЙ МУЛОҚОТЧИЛАР ВА БОШҚА НОЁБ ХИСЛАТ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Мана, узоқ давом этган таназзул даврдан кейин таъқиб ва тазйиққа учраб келган кўҳна илм ва таълимотлар расмий фанлар қаторидан ўрин ола бошлади. Эндиликда заҳматкаш халқимиз жонбоз юртбошимиз ва ҳукуматимиз раҳнамолигида буюк аждодларимиз яратган бебаҳо маданий-маънавий меросдан куч-қувват ва руҳий озуқа олиб, мустақиллик ва истиқлолимиз туфайли юзага келган мураккаб, аммо шарафли тарихий жараён — янги давлат барпо этиш йўлида ўз қалбини, онгу шуури ва руҳий оламини бутун дунёга намоён этаётир. Коинот миқёсида қулоч ёзаётган инсон тафаккурининг илми илоҳий, илми ғайб, илми калом, тасаввуф сингари оламшумул соҳаларга тобора кўпроқ эътиёж сезаётгани ҳам ана шулар туфайлидир.

Бу таълимотларнинг ўтмишда тутган муносиб ўрни ва бундан кейинги илмий ва амалий аҳамиятини кўзда тутиб, «Сирли олам» ойномаси ва унинг иловаси «Қалб кўзи» жаридаси муассисларимиз — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи марказий қўмитаси ва Мирзо Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаш жамғармаси билан ҳамкорликда илк марта жумҳуриятимизнинг яқин келажак-истиқболини олдиндан кўра билиш бўйича мунажжимлар, башоратчилар, раммоллар, футурологлар, руҳий мулоқотчилар ва бошқа ноёб хислат эгалари танловини эълон қилади.

Ушбу танлов буюк аллома-миз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланади.

Башоратларда жумҳуриятимиз ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва бошқа соҳалари ҳамда моддий-маънавий дунёмизнинг зоҳирий ва ботиний жиҳатлари ҳақида холис фикр юритилиши, улар замонавий илму фан (мантиқ, риёзиёт, кибернетика каби) ёхуд илми ғайб, илми нужум (астрология), футурология, ўта ҳиссий шуур (парапсихология, эстрасенсорика), сингари қўҳна ва навқирон билимлар асосига қурилган бўлиши керак.

Танлов икки босқичда ёпиқ тарзда ўтказилади. Биринчи босқичга шу йилнинг апрель-сентябрь ойларида кечажак воқеа-ҳодисалар билан боғлиқ башоратлар киради. Ўзбекистон мустақиллигининг уч йиллигига бағишланган бу босқичга октябрь ойида якун ясалади. Иккинчи босқич эса, 1994 йилнинг октябрь-декабрь ҳамда 1995 йилнинг январь-март ойларида бўлиб ўтиши кутилаётган воқеа-ҳодисаларнинг башоратларига бағишланади. Иккинчи босқичга келгуси йил умумхалқ байрами — Наврўз арафасида якун ясалади.

Башоратларни ҳар томонлама ўрганиш, саралаш ва баҳолаш билан мўътабар ва обрўли ҳакамлар ҳайъати шуғулланади.

Башоратлар ва улар билан боғлиқ барча ҳужжатлар биринчи босқичга — шу йилнинг 31 май кунигача, иккинчи босқичга эса — шу йилнинг 31 октябригача қабул қилинади.

Истиқболда кечажак воқеа-ҳодисалар ва уларнинг муддатини аниқ башорат қилганликлари амалда тасдиқланган тақдирда, ғолибларни қуйидаги мукофот ва совринлар кутади:

I МУКОФОТ, 1 та — 3 млн. сўм;
II МУКОФОТ, 2 та — 1,5 млн. сўмдан;
III МУКОФОТ, 3 та — 1,0 млн. сўмдан.

Шунингдек, 10 та рағбатлантирувчи совринларимиз ҳам ғолибларимизга мунтазирдир.

Танловда миллати, дини, касби-кори ва ёшидан қатъий назар башорат қилишга ўзида мойиллик сезган ҳар бир юртдошимиз ва қардош давлат фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танлов якунлангач, энг ҳаётий башоратлар «Сирли олам» ойномаси ва «Қалб кўзи» жаридаси саҳифаларида эълон қилинади.

Башоратларга қўшимча тарзда исми-шарифингиз, миллатингиз, ёшингиз, иш жойингиз, касбингиз ҳақида ҳам аниқ маълумотлар жўнатишни унутманг.

Манзилимиз: Тошкент, 700113, Қатортол кўчаси, 60. «Сирли олам» ойномаси қошидаги башоратчилар танловн ҳакамлар ҳайъати.

Башоратчилар танловига шошилинг, азиз мухлисларимиз!

«СИРЛИ ОЛАМ» ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ.

Туркистон бир, ватан бир

ТУРКИСТОН ТМ ИЖОРАТ МАРКАЗИ

TASKENT ERKEK LISESI 1992

Диққат, диққат!

Ўзбек турк лицейларига кириш имтиҳонлари учун рўйхатга олиш бошланди.

Киришни истовчилар шу йилнинг 15 апрелига қадар ҳужжат топширишлари мумкин. Фақат 8-синфда ўқиётган ўқувчиларгина ҳужжат топшириш имкониятига эга.

Кириш имтиҳони ҳам 8-синфгача ўтилган дарслар юзасидан бўлиб, ўзбек ва рус тилларида, тест усулида ўтказилади.

Истовчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак.

1) 2 дона сурат (3х4).
2) Туғилганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси).
3) Табель (Баҳолари «4» ва «5» бўлиши шарт).

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани Султонали Машҳадий кўчаси 133-уй. Ўзбек-турк ўғил болалар лицейи.

Маълумот учун телефонлар: 68-58-26, 68-12-57.

«Муштум» тоға–70 ёшда

«Муштум» журналини ўқимаган, унинг ичакузди латифа-ю ҳангомаларидан завқланиб-завқланиб кулмаган киши топилмас-ов, ҳойнаҳой! Муштумнинг ғўладеккина муштумидан тутиганларнинг аламлари ичида... қўллари эса кўксида.

Бугун ана шу отахон журналимиз етмиш ёшга тўлибди! Ушбу қутлуғ тўй муносабати билан биз «Муштум» оғага ва барча муштумчиларга соғ-омонлик, тилаймиз!

...Ия, ия кириб келаётганлар ким бўлди, тағин! Об-бо, «Ёшлик» журналининг азаматлари-ку!

— Бизнинг ҳам «Муштум» тоғага табригимиз бор эди.

— Ўқинг-чи!

— Қадрли «Муштум» тоға ва «муштум»чи биродарлар!

Биз ҳам эл қатори Сизни қутлуғ ёш билан самимий табриклаймиз! Не тонгким, тўйингиз шарофатли кунларга тўғри келибди. Жуссангиз биз каби бир оз иҳчамлашса-да, ҳар нечук муштумингиз ҳамон маҳкам, Мустақил юрт ташвиши билан яшамоқ Сизу бизнинг бурчимиз.

«А» зина «Я» зина

РЎМОНИМ ЁҚДИМИ?

Асаб касалликлари шифохонасида икки бемор суҳбатлашарди.

— Қалай, менинг рўмоним сенга ёқдими?

— Яхши-ю, фақат қатнашувчилар кўп экан.

Шунда ҳамшира келиб қолди.

ҲАНГОМАЛАР

— Ҳой, телефўн китобчасини нега олдинглар?!

ҲАФСАЛА

Сержант янги чақирилганларга:

— Бугун ҳақиқий ялқовлар учун ажойиб бир топшириқ бор, қани ким бажаради, қўл кўтарсин.

Ҳамма аскарлар якдиллик билан қўл кўтарди. Фақат биттаси мунғайиб турарди.

— Насриддинов, сен нега қўл кўтармаяпсан?

— Ҳафсалам йўқ, ўртоқ сержант.

УЯЛИШ

— Қўлингиз менинг чўнтагимда нима қилаяпти?

— Гугурт ахтаряпти.

— Сўрасангиз бўлмасмиди?

— Бўларди-ю, уяламан-да!

ЭРКАЛАШ

— Асал қизим, шакар қизим, — деб фарзандини эркалаётган онага қўшниси деди:

— Болани ҳозир бунақа эркалаш ноўрин. Иқтисодий тақчиллик шароитида «доно қизим, ақлли қизим, бардошли қизим», деганингиз маъқулроқ келин.

БУШ КЕЛМАДИМ

— Бозор қизиқ воқеалар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ҳангомаларга бой деганларига мен бугун чиппа-чин ишондим, — деди бир киши уйдагиларга.

— Хўш, хўш еганингиз ўзингизники, кўрганингиздан гапиринг-чи?

«Муштум» ғаладонидан ўғирланган

— Бугун денг, бозорга келган одамларнинг бари телпакларини йўқотишди.

— Нега? — ажабланиб сўради хотини.

— Э, нимасини сўрайсан. Айтдим-ку, бозор ғаройиб воқеаларга бой деб.

— Ҳай майли. Ишқилиб сизники йўқолмаса бўлгани.

— Эсинг жойидами? Бунақа пайтда бўш келармидим. Омадни қўлдан бермай, энг аввал мен телпагимни йўқотдим-да.

УНДАЙ БЎЛСА РОСТ

— Келаси ҳафта қаттиқ жала қуйиб, дарё суви тошиб кетар экан, — деди бир киши Хушомадиевга.

— Бўлмаган гап. Ким айтди бу бемаза гапларни?

— Ҳозиргина бошлиғимизнинг ўғли айтди.

— Э, шунақами? Ундай бўлса рост.

Норхўроз БАБАҚ.

ЙЎЛБАРСЛАРНИНГ КУЧИНИ БЕР

БИТТА БАҒРИ БУТУН БЎЛАЙ

Яшаяпман сенсиз жоним,
Ночорғина, қашшоққина,
Қоматим ҳам тик эмас
кўп,
Нимжонгина, ушоққина,
Юрагимда ўт ёнади,
Машъал бўлиб, олов
бўлиб,
Чорласанг бас, ёнингдаман,
Лов-лов бўлиб, қалов
бўлиб.
Қўлингни тут қуйдиради
Кафтим сени, тафтим сени,
Ортингдан мен излаб қанча
Чопдим сени, топдим
сени,
Рўмолингни ушлат
менга,
Учини бер, учини бер.
Қиё боқиб йўлбарсларнинг
Кучини бер, кучини бер.
Сенга келган балоларга,
Устун бўлай, устун бўлай,
Раҳм этгил, битта бағри
Бутун бўлай, бутун бўлай.
Яшаяпман сенсиз жоним,
Ночорғина, қашшоққина.
Қоматим ҳам тик эмас
кўп,
Нимжонгина, ушоққина.

СОДИҚЛИК

Був, десанг буваман,
Қув, десанг қуваман.
Қонун менга гапларинг,
Юв, десанг юваман.
Чўзил, десанг чўзилай,
Узил, десанг узилай,
Рухсат берсанг жонгинам,
Бошқага ҳам сузилай,
Кўчадаги тош бўлай,
Овқат қилсанг мош бўлай,
Қириб ташлаб соқолни.
Гар истасанг ёш бўлай.
Був, десанг буваман,
Қув, десанг қуваман.
Қонун менга гапларинг
Тув, десанг туваман.

ИШБИЛАРМОН ОШИҚ

Кўнгил қўйдим Гулшанга,
Мен ошиқман ўшанга,
Айтинг, тегиб кетмасин,
У тадбиркор Равшанга.
Ҳовлимда шафтоли бор,
Шафтолининг боли бор,
Гулшаной менга тегса,
Бахти бор, иқболи бор.
Юрган йўлим боғ бўлгай,
Мендан кўнгли чоғ
бўлгай,
Бир умрга мен билан у
Омон бўлгай, соғ бўлгай.

Қарасин мен томонга,
Мослашганман замонга,
Олиб боргум истаса,
Саёҳатга — японга.
Ҳар не бўлса биларман,
Ҳар бир ишни қиларман.

Мен ўзи азалдан ҳам
Шунақа ишбилармон.
Кўнгил қўйдим Гулшанга,
Мен ошиқман ўшанга,
Айтинг, тегиб кетмасин,
У тадбиркор Равшанга.

«МАСЛАҲАТ»

Ҳажвия

Тешавой ака ҳовлига кириши билан хотини Холниса уни кўрди-ю уввос солиб, тиззасига шапатилаб ура бошлади:

— Вой дадаси, шўримиз қуриди! Шарманда бўлдик.

— Нима гап? — Тешавой аканинг ранги докадай оқариб, юраги қинидан чиқаёзди. — Тезроқ гапирсанг-чи!

— Қизингиз қочиб кетибди.

— Нима?!

—Ҳа, қочиб кетибди. Қиз боқмай биз ўлайлиг-а. Жувонмарг, юзимизни ерга қаратди. Мен сизга совчиларга розилик беринг, деб айтувдим-а! Сиз бўлсангиз, «Қизимизни кимга беришни ўзим биламан» деб оёқ тираб турib олдингиз! Мана оқибати. Шарманда... Шарманда...

— Э, овозингни ўчир!— Қўшнилар эшитади.

— Эшитганда нима энди... — Аслида айб қизингни ўзида... Кўзини сузмаса... Ҳойнаҳой ким опқочганини ҳам билсанг керак?

— Ким бўларди, ўша-да. Оти Муталмиди, Таваккалмиди? — Эсимда йўқ.

— Мутал!—Тешавой ака ўйланиб қолди. У хаёлини бир жойга йиғиб олгач, хотинига юзланди:

— Овоза қилиб юрма. Мен тезда қайтаман.

У Гулшан қишлоғига жўнади. Ҳаш-паш дегунча, Муталнинг уйини топди. Эшикни асабий тақиллата бошлади.

— Ҳой ким бор?!

Ичкаридан оёқ товуши эшитилди. Лекин Тешавой ака кутиб турмай эшикни зарб билан итарди. Ё қудратингдан... зулфи узилиб тушса бўладими? Қаршисида бир йигитни кўриб: «Мўтал дегани шу бўлса керак», деб ўйлади. Яхшилаб қараса, бу йигит кўзига иссиқ кўринди. Шошма, шошма, кечагина ахир у билан...

Тешавой ака гузардаги ошхонага овқатланганди кирганди. Терлаб лағмонни «ураётган» пайтда сочи жингалак бир йигит ёнига келиб:

— Жой бўшми? — деб рухсат сўради, ўтиргач, чой қуйиб Тешавой акага узатди.

— Раҳмат ўғлим, — деди Тешавой ака юзидаги терларини белбоғига артиб. — Лағмонни фақат шу ерда жуда зўр тайёрлашарди. Булар ҳам айнибди.

— Келинойимга айтсангиз, кўнглингиздаги овқатни тайёрлаб берадилар-ку, отахон. Бизга ўхшаган бўйдоқларга қийин.

— Ие, ҳали уйланмаганмисиз?

— Йўғ-да. Ҳозирги пайтда кўнгилга ёққан қизни топиш қийин, бир амалаб топганингдан кейин ота-онаси «бермайман» деб турса, бундан ёмони йўқ экан. Яқинда бир қизга совчи қўювдим, денг, отаси рози бўлмади.

— Чатоқ бўпти-ку, — деди Тешавой ака. — Қизи розими, ўзи?

— Рози бўлмаса совчи юборармидим? Сизсиз ҳаётҳаёт эмас, дейди.

— Оббо ўлиб қолади, денг, ундай бўлса отасидан сўраб ўтирасизми? Бунинг жазоси — шартта қизини олиб қочиш.

— Қиз ўғирлаш... қўлимдан келармикан? — йигит ўйланиб қолди.

— Бўшашманг ўғлим, ҳечам бўшашманг. Ўғил боламисиз ахир?..

Тешавой акани хотираси алдамаган эди. У бир зум жимиб қолдида деди:

— Эй ярамас. Бу сенмидинг?

Улуғбек МУСТАФО,
Янгийўл тумани, Халқобод қишлоғи.



— ҲА, ЎРТОҚ, ДУМИНГ ҚАНИ?

Суратчи: Абдул ғани ЖУМА.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

400000 ГА — ПУЛ «ЯШЧИК»

● НОВОСИБИРСК бозорида бир қарашда оддий, аммо махсус тугмачаси босилса юз рубль қийматли яп-янги пул чиқарадиган яшчик бир зумда харидорлар диққатини ўзига тортди. Одамлар бу «мўъжиза»ни кўриб, кўзларига ишонмадилар. Қизиқ-да, тугмачани боссанг, «мана-мен» деб яп-янги 100 рубль чиқиб келаверса! «Қўлбола ускуна» эгасининг «бу пулларни истаган дўконга олиб боринг, ҳеч ким ёмон қабул қилишади» деб ишонтиришлари анча-мунча кишини эсанкиратиб қўйди. Бунга сари сотувчи уларни қизиқтириб, «бўёқ билан қоғоз тугагунча ишлайверади» деб чакаги тинмасди. Охири бир одам уни 400000 рублга сотиб олди. Аммо, «сирли яшчик» кўп ўтмай янги эгасини ҳафа қилиб қўйди: ҳар қанча тугмачани босмасин пулдан дарак бўлмади. Кейин маълум бўлишича, «қўлбола ускуна» муаллифи яшчиккa солиб қўйган яп-янги 100 рублликлар тугаган экан.

НАФАҚАХЎР... ОТЛАР

● ЖАҲОНДА «совуқ уруш»нинг тугаши Швейцария қуролли кучлари таркибидаги зобит ва аскарларгагина эмас, от ва хачирларга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. «Армия—95» ислоҳоти режасига кўра, қуролли кучлар таркибидаги мавжуд 9 минг 200 отдан 4 мингтасини қолдириш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, мамлакатдаги от ва хачирлар учун яна бир кўнгилсизлик рўй бермоқда: ҳукумат давлат бюджети камомадини қисқартириш мақсадида ҳарбий хизматдаги улов эгаларига бериладиган давлат тўловлари ҳажмини камайтирмоқда. 1994 йилда бир от учун 600 фунт — олдинги йилдагига қараганда 20 фоиз кам нафақа берилади.

Бўш вақтингизда

ЎЗИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Азиз муштарий! Қуйида ҳазил тарзида таърифланган сўзларни топиб, шаклда рақамли хонадон йўналиши бўйича ёзиб машқни ҳал этинг.

Ҳ: 1. Елғончининг рост сўзи. 2. Савалаб чалинадиган мусиқа асбоби. 3. Сариштаси, уй— рўзғорнинг фариштаси. 4. Унга аччиқ қилиб кўрпани ёқма. 5. Ишни қилади... устаси уради лоф. 6. Асло боғи кўкармас.

А. 7. (Ўнгга) кўчада ичиладиган ош қанақа бўлади? 8. Ҳажвий асар турига номдош аёллар исми. 7. (чапга) Энг яхши ҳимоя. 9. Спортнинг даромадли нуқтаси. 10. (энига) Гулзорнинг яна бир номи.

З: 11. Таъби нозикнинг сиркаси нимани кўтармайди? 12. Ҳаёсизга бегона нима? 13. Туёқлилар жамоаси. 14. Меҳнатсиз топилмайди.

И: 15. Ширин камёб «тош». 16. Ачитиб гапиради. 17. Саёқ юртаннинг насибаси. 18. Номи улуғнинг супраси... 19. Яхшининг юзи ёруғ, ёмоннинг юзи... 20. (энига). Бир мири ҳаён... мири зиён.

Л: (Ўнгга). 21. Дунё «кенн»ларидан бири. 21. (Чапга) Рисолат парига юзлаб маротаба уйланган мўйсафид куёв.

Тузувчи:
Фозилжон ОРИПОВ.

Газета саҳифаланаётганда:

БОЛАЛАРДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Темир йўл бекати яқинида истиқомат қиладиган 12 яшар Равшан Ғойибназаров ўтиб кетаётган поездларга тош отишни яхши кўрарди. Навбатдаги «машғулот» пайтида милиция ходимлари уни тутиб олишди. Энди «тошотар»нинг ота-онаси фарзандларининг қилмиши учун каттагина жарима тўлайди.

Сирдарёда истиқомат қиладиган яна кўпгина ота-оналар эркатойларининг «эрка»ликлари учун жарима тўлайдиган бўлди. Ўсмирларнинг темир йўл транспортидаги қоидабузарлиги олдини олиш бўйича ўтказилган республика тадбири давомида биргина Ховос бекати ички ишлар бўлимига биркитилган участканинг ўзида 210 нафар ўсмир ушланди. Милиция ходимлари жарима солиш билан чекланиб қолишгани йўқ, албатта. Мактабларда, бу ўсмирларнинг истиқомат жойларида суҳбатлар ўтказилди, темир йўлда безориликнинг олдини олиш тадбирлари белгиланди.

Келгуси сонда:

● ЕШЛАР ҚУРУЛТОЙИ — ЕШЛАР БАЙРАМИГА АЙЛАНАДИ.

ЖЎҚИ ЖАВҲАР КАЛТАТОЙИЙ

Интермедия

Қатнашувчилар: Бошловловчи, Жўқий.

БОШЛОВЧИ: — Ҳурматли дўстлар, бугун бизни табриклагани машҳур шоир акамиз Жўқий ташриф буюрдилар. Марҳамат, шоир Жўқий.

ЖЎҚИЙ: — Раҳмат. Лекин менинг исми шарифимни тўлиқ айтмоқ керак. Мен шоир Жўқи Жавҳар Калтатойий бўламан.

БОШЛОВЧИ: — Э, кечирасиз, билмабмиз. Хуш келибсиз Жўқи Жавҳар Калта...

ЖЎҚИЙ: — Калта эмас. Калтатойий.

БОШЛОВЧИ: — Кечирасиз, нега энди Калтатойни?

ЖЎҚИЙ: — Чунки мен Тошкентнинг машҳур Калтатой — маҳалласида таваллуд топганман.

БОШЛОВЧИ: — Шунақа денг?

ЖЎҚИЙ: — Ҳа, шундай. Менинг бу мавзуга бағишлаган ажойиб ғазалим бор. Ҳозир сизларга ўқиб бераман.

БОШЛОВЧИ: — Марҳамат.

ЖЎҚИЙ: — Аё дўстлар, камина Жўқи Жавҳар Калтатойинман,
Ки Лабзак кўчасидан оқкан ул бўтқа сойинман.

Қалай?

БОШЛОВЧИ: — Зўр!

ЖЎҚИЙ: — Энди давомини эшитинг:

Нетай бир мисра шеърим кўрмади журнол юзин ҳаргиз,
Ўзимча тенги йўқ шоир Навойман, Атойман.

Қалай!

БОШЛОВЧИ: — Офарин!

ЖЎҚИЙ: — Энди давомини эшитинг. Давоми — замонавийроқ:

Ҳозирги замонда кўпайди ишбилармонлар.
Худоё, айт, қачон мен шеър бозорида бойийман?

Қалай, ёқдими?

БОШЛОВЧИ: — Ёққанда қандай. Демак, бозор иқтисоди сизнинг ҳам ижодингизга таъсир қилибди-да?

ЖЎҚИЙ: — Ҳа, энди ҳаммаёқ Олби, Солби, Машриқ, Майриқ деган фирмаларга, дўконларга тўлиб кетгандан кейин биз ҳам қараб турармидик. Биз ҳам фирма очдик.

БОШЛОВЧИ: — Э: шунақами? Фирмангизни номи нима?

ЖЎҚИЙ: ҚҚШЗ.

БОШЛОВЧИ: — У нима дегани? ҚҚШЗ... Қизиқ.

ЖЎҚИЙ: — ҚҚШЗ дегани — Кеп қолинг шеърнинг зўрига дегани бўлади.

БОШЛОВЧИ: — Демак, фирмангиз шеър сотар экан-да?

ЖЎҚИЙ: — Сотганда ҳам қанақа шеър денг? Заказной шеър. Масалан, сиз битта қизни яхши кўриб қолдингиз, аммо у қиё боқмайди, Бизга келсангиз, битта шеър ёзиб берамиз, бориб ўқиб берасиз, шартта эриб кетмаса, пулингиз ёнингизда...

БОШЛОВЧИ: — И-Е, зўр ку. Биттасини эшитсак бўладими?

ЖЎҚИЙ: — Марҳамат, реклама учун биттасини ўқиб беришим мумкин:

Эй қиз, агар кирмасанг Каминанинг гапига.
Освораман ўзимни Батинкамнинг ипига!

Қалай!

БОШЛОВЧИ: — Қойил!

ЖЎҚИЙ: — Айтмовдимми, бизнинг фирма эстрокласс, деб, Энди янги чиққан қўшиқчи болаларга ҳам қўшиқ боп шеърлар ёзиб берамиз. Мана биттасини эшитиб кўринг:

Том бошида тоғора,
воҳей бола,
Тоғорада ноғора,
воҳей бола.
Тарақ-туруқ бўлса бас,
воҳей бола-ей,
Оҳангу сўз чикора,
воҳей бола,
Читтонг, читтонг,
читтонг...

БОШЛОВЧИ: — Энди марҳамат қилиб ёшликда ёзган шеърларингиздан ўқиб берсангиз.

ЖЎҚИЙ: — Мен ёшлигимда трамвай, троллейбусларда юриб шеър тўқирдим, энди эса ўсдим. Энди мен метрода юриб шеър тўқияпман. Ғиз-ғиз, тарақ-туруқ. «Эҳтиёт бўлинг, эшиклар ёпилади...» Мана, биттасини эшитинг:

Кўрдим битта зўр гўзал
Тошкентнинг метросида,
Ошиқ бўлдим шу маҳал
Тошкентнинг метросида.
Кетидан бораётсам —
эшик таққа ёпилди,
Бўлмади масала ҳал,
Тошкентнинг метросида...

Қалай (Залга тикилиб қарайди).

БОШЛОВЧИ: — Жўқи ака, кимни кўриб қолдингиз?

ЖЎҚИ: — Худди метрода кўрганим қизни кўраяпман. (Тикилиброқ қараб). Йўқ, у эмас экан. Хўп, мен кетдим...

БОШЛОВЧИ: — Қаёққа?

ЖЎҚИ: — Қаёққа бўларди, метрога-да.

Метрода ҳам юрганда
Жўқи,
Бекор турмай шеър,
ғазал тўқи...

БОШЛОВЧИ: — Кейин бориб холангга ўқи...

ЖЎҚИ: (Кетаётиб) — Нима дединг?

БОШЛОВЧИ: — Ҳеч нима, хайр, келиб туринг, Жўқи шоир...

ЖЎҚИ: — Жўқи Жавҳар Қалтатойий, Хайр. (Кетади).

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Бош муҳаррир Ғаффор ҲОТАМОВ:

Таҳрир ҳайъати: Одил ЁҚУБОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА, Абдуқодир ЭРҒАШЕВ, Алишер ТЕШАБОЕВ, Муқаддас АБДУСАМАТОВА, Муҳаммад АМИН, Аҳрор АҲМЕДОВ, Рустам БОЙМУҲАММАД, Зайниддин МАМАДАЛИЕВ—Бош муҳаррир ўринбосари, Карим РАҲИМ, Сирожиддин РАУФ, Зайниддин РИХСИЕВ—масъул котиб, Ислом ҲАМРО.

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Ёш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:
хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан ва халқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52; иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81; ахборот ва бадиий безаш — 32-53-98; тижорат — 32-58-48; қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083, Тошкент, Мағбуротчилар кўчаси, 32-уй.
Нашр кўрсаткичи: 64607

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйқатдан ўтиш тартиби № 00012. Буюртма Г—898 42428. Нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди — 23.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Индекс: 64672.

1 2 3 4 5 6.